

АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИНИНГ АНАТОМИЯСИ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ

Сайфиддинова Муслима Муҳиддин қизи

Аннотация: Аёллар репродуктив тизими инсон наслини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб анатомик ва физиологик тизимдир. У ташқи ва ички жинсий аъзолардан иборат бўлиб, гормонал бошқарув остида фаолият кўрсатади. Ушбу тизимда тухумдонлар, бачадон, бачадон найлари ва қин асосий ўрин тутadi. Репродуктив функциялар ҳайз цикли, овуляция ва ҳомиладорлик жараёнлари билан узвий боғлиқ. Мақолада аёллар репродуктив тизимининг тузилиши, физиологик хусусиятлари ва унинг саломатликдаги аҳамияти илмий жиҳатдан ёритилади.

Калит сўзлар: репродуктив тизим, анатомия, физиология, тухумдон, бачадон, овуляция, ҳайз цикли, гормонлар, эстроген, прогестерон, ҳомиладорлик, аёллар саломатлиги.

Abstract: The female reproductive system is a complex anatomical and physiological system that plays a key role in human reproduction. It consists of internal and external genital organs regulated by hormonal mechanisms. The main components include the ovaries, uterus, fallopian tubes, and vagina. Reproductive functions are closely related to the menstrual cycle, ovulation, and pregnancy. This article provides an overview of the structure and physiological characteristics of the female reproductive system and its importance in maintaining women's health.

Keywords: female reproductive system, anatomy, physiology, ovaries, uterus, ovulation, menstrual cycle, hormones, estrogen, progesterone, pregnancy, women's health.

Аннотация: Женская репродуктивная система является сложной анатомической и физиологической системой, играющей важную роль в продолжении человеческого рода. Она состоит из наружных и внутренних половых органов и функционирует под гормональным контролем. Основными органами

данной системы являются яичники, матка, маточные трубы и влагалище. Репродуктивные функции тесно связаны с менструальным циклом, овуляцией и процессом беременности. В статье научно освещаются строение, физиологические особенности женской репродуктивной системы и её значение для здоровья.

Ключевые слова: репродуктивная система, анатомия, физиология, яичники, матка, овуляция, менструальный цикл, гормоны, эстроген, прогестерон, беременность, здоровье женщин.

КИРИШ

Сўнгги йилларда аёллар саломатлигига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Репродуктив тизим аёл организмнинг энг муҳим тизимларидан бири бўлиб, у насл қолдириш вазифасини бажаради. Ушбу тизимнинг тўғри фаолият кўрсатиши гормонлар, нерв тизими ва ташқи омиллар билан боғлиқ. Аёллар репродуктив тизимини ўрганиш тиббиёт, гинекология ва акушерлик соҳаларида муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аёллар репродуктив тизими икки қисмдан иборат: 1.Ташқи жинсий аъзолар: Буларга катта ва кичик лаблар, клитор ва қин кириш қисми киради. Уларнинг асосий вазифаси муҳофаза қилиш ва жинсий функцияда иштирок этишдир.2. Ички жинсий аъзолар. Тухумдонлар (овариум) — тухум хужайраларини ишлаб чиқаради ва эстроген ҳамда прогестерон гормонларини синтез қилади. Бачадон найлари — тухум хужайрани бачадонга етказди, уруғланиш шу ерда содир бўлади.Бачадон — ҳомиланинг ривожланиши учун асосий орган. Қин — жинсий алоқа ва туғруқ жараёнида иштирок этади. Физиологияси: Репродуктив тизимнинг фаолияти гормонлар орқали бошқарилади: Эстроген — эндометрий ўсишини таъминлайди. Прогестерон — ҳомиладорликни сақлашга ёрдам беради. Ҳайз цикли одатда 28 кун давом этади ва 3 босқичдан иборат:

Фолликуляр босқич

Овуляция

Лютеин босқич

Агар уруғланиш содир бўлмаса, эндометрий тушиб, ҳайз келади.

Аёллар жинсий аъзолари анатомия ва физиологияси

Бачадон танаси бир марта туққан аёлларда учбурчак шаклли, ўлчами: $8 \times 5 \times 2,5$ см, вазни 40–100 г, кўп туққанларда — $11 \times 6 \times 3$ см, вазни 250 г гача. Бачадон девори қатламлари: эндометрий, миометрий, периметрий.

Эндометрий – паренхимаси бир қаватли қопловчи цилиндрик ва без призматик эпителийдан иборат.

Эндометрий безларининг ҳар бири базал қаватдан бошлаб функционал қаватнинг юзасигача алоҳида силлиқ найчалардан иборат.

Эндометрийнинг оралиқ тўқимаси ишқорий муҳитга эга бўлган асосий моддадан, сийрак жойлашган аргрофил толалардан, ёш, кам такомил топган ва етилиб етилган фибробластлардан, гистиоцит ва макрофаглардан ташкил топган.

Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни цилиндрсимон шаклда, қизларда эса конусга ўхшаш.

Экзоцервикс қинга тегишли қисми, юзаси кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган.

Экзоцервикс стромаси коллаген толалардан ва улар орасида жойлашган фибробластлар, гистиоцитлар, лимфоцитлар, қон ва лимфа томирлар, нерв тузилмаларидан иборат. Қон томирлари базал мембрана остида туриб айланмалар пайдо қилиб жойлашган ва улар доимо стероид гормонлар миқдorigа боғлиқ ҳолда ишлайди.

Эндоцервикс канали чўзинчоқ шаклда, узунаси 4 см, кенглиги 4 мм, деворининг қалинлиги 1–2 см га тенг. Каналнинг $1/3$ юқори қисми деворида айлана тутамлардан иборат силлиқ мушак қатлам эластик ва коллаген толалар билан аралаш ҳолда

жойлашган бўлиб, у ҳомиладорликда бачадон бўйнининг ёпилиб туришини таъминлайди.

АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИ ДИСГОРМОНАЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

ДИСГОРМОНАЛ КАСАЛЛИКЛАР САБАБЛАРИ: тухумдон кисталари, гиперплазия ва ўсмали жараёнлари.

ДИСГОРМОНАЛ КАСАЛЛИКЛАР ТУРЛАРИ:

Эндо метрийнинг безли гиперплазияси

Эндо метриоз – эндо метрий безларининг бошқа қўшни аъзоларга ўсиб кириб тарқалиши.

Цервикал канал эндо метриози.

Цервикал канал эндо метриозли полипи.

Цервикал канал эктропиони – полипнинг бачадон бўйни тешиги орқали қин бўшлиғига ўсиб чиқиши.

Бачадон бўйни сохта эрозияси – бачадон бўйни кўп қаватли эпителийсининг бир қаватли цилиндрик эпителийга метаплазияси.

Аденомиоз – эндо метрий безларининг миометрийга ўсиши.

Бачадон найи ва тухумдоннинг эндо метриози.

Бошқа аъзоларнинг (кўпинча ичак) эндо метриози.

ҲУЛОСА

Аёллар репродуктив тизими анатомик ва физиологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унинг соғлом фаолияти аёлнинг умумий саломатлиги ва насл қолдириш қобиляти учун муҳимдир. Ушбу тизимни чуқур ўрганиш касалликларни олдини олиш, эрта диагностика ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Аёллар жинсий аъзоларида учрайдиган дисгормонал касалликлар асосан гормонал мувозанат бузилиши натижасида пайдо бўлади. Айниқса, тухумдон фаолиятининг ўзгариши эстроген ва прогестерон гормонлари нисбатига таъсир

килиб, эндометрий ва бачадон бўйнида турли патологик ўзгаришларга олиб келади. Бу касалликлар орасида энг кўп учрайдиганлари — эндометрий гиперплазияси, эндометриоз ва аденомиоз ҳисобланади. Уларда эндометрий тўқимаси меъёрий жойидан ташқарида ўсиб, бошқа аъзоларга тарқалиши ёки бачадон девори ичига кириб кетиши мумкин. Бу эса оғриқ, ҳайз циклининг бузилиши, қон кетишлар ва ҳатто бепуштликка сабаб бўлиши мумкин.

Цервикал канал билан боғлиқ ўзгаришлар (полиплар, эктропион, сохта эрозия) ҳам гормонал таъсирда шаклланиб, эпителий тузилишининг ўзгариши билан кечади. Бу ҳолатлар ўз вақтида аниқланмаса, янада оғир асоратларга олиб келиши эҳтимоли бор.

Шунинг учун дисгормонал касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва тўғри даволаш жуда муҳим. Бунинг учун мунтазам гинеколог кўригидан ўтиш, гормонал ҳолатни назорат қилиш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш катта аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев С. Аёллар репродуктив саломатлиги Тошкент, 2021.
2. Каримова М., Жўраев Б. Гинекология асослари. Самарқанд, 2020.
3. Рўзиматова Н. Аёллар физиологияси. Тошкент, 2022.
4. Турсунов К. Одам анатомияси ва физиологияси. Тошкент, 2019.
5. Йўлдошева Д. Гинекологик касалликлар. Бухоро, 2022.
6. Human Anatomy. Kenneth S. Saladin, New York, USA, 2014.
7. Gray's Anatomy for Students. Drake RL, Vogl W, Mitchell AWM. Elsevier Churchill Livingstone. 2005.
8. Файзулла Баҳадиров «Одам анатомияси» - Тошкент 2005 йил.
9. Сагатов.Т.А Миршаропов.У.М-Одам анатомияси-2011йил.
10. Миршаропов У.М., Сагатов Т.А.- Одам анатомия -2014 йил.